

КИНО МУСИҚАСИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

*Махмудова Хушруя Завқиддин қизи**Кино телевидение ва радио режиссёрлиги кафедраси ўқитувчиси*

Аннотация: Ушбу тезисда мусиқа мустақил бадиий элемент сифатида қандай намоён бўлиши, муаллиф услубини шакллантириши ва фильмнинг бадиий қийматини ошириши таҳлил қилинади. Шунингдек, кинематографияда мусиқанинг бир қатор асосий функциялари таснифланади. Мусиқанинг кинематографиядаги функцияларини кўриб чиқиш, мусиқа ва кино ўртасидаги ўзаро таъсир механизмларини ҳамда томошабиннинг қабул қилишга бўлган таъсирини чуқурроқ англаш имконини беради.

Калит сўзлар: Кино мусиқаси, мусиқанинг вазифалари, ҳиссий таъсир, драматургия функцияси, мусикий мавзу, лейтмотив, саундтрек, овозли ҳамроҳлик, мусикий безак, кинога хос идрок, аудиовизуал санъат, овозли драматургия.

Аннотация: На данном тезисе рассматривается, как музыка может выступать как самостоятельный художественный элемент, формируя авторский стиль и усиливая художественную ценность фильма. Также классифицируется ряд ключевых функций музыки в кинематографии. Рассмотрение функций музыки в кинематографии позволяет глубже понять механизмы взаимодействия и влияние на восприятие зрителя.

Ключевые слова: музыка в кино, функции музыки, эмоциональное воздействие, драматургическая функция, музыкальная тема, лейтмотив, саундтрек, звуковое сопровождение, музыкальное оформление, кинематографическое восприятие, аудиовизуальное искусство, звуковая драматургия.

Annotation: This thesis examines how music can serve as an independent artistic element, shaping the author's style and enhancing the artistic value of a film. It also classifies a range of key functions of music in cinematography. Analyzing these functions allows for a deeper understanding of the mechanisms of interaction between music and film, as well as its impact on the viewer's perception.

Keyword: Music in cinema, functions of music, emotional impact, dramaturgical function, musical theme, leitmotif, soundtrack, sound accompaniment, musical arrangement, cinematic perception, audiovisual art, sound dramaturgy.

Товушли кино пайдо бўлган пайтданок мусиқа фақат орқа фон эмас, балки кинематографик ҳикоянинг асосий таркибий қисмига айланди. Фильмлар ва саундтреклар кўп бўлишига қарамай, назарий соҳада ханузгача мусиқанинг

кинодаги функцияларини таснифлаш ҳамда унинг томошабин тафаккурига таъсир этиш механизмлари ҳақидаги масалалар тўлиқ таҳлил қилинмаган. Мусиқа ва тасвир ўртасидаги ўзаро таъсирнинг психологик, бадиий ва структуравий жиҳатларини чуқур таҳлил қилиш зарурияти туғилади. Рақамли технологиялар ривожланиб бораётган бир даврда томошабин ва тингловчиларнинг дунёқараши ўсиб бормоқда, шу боис замонавий кинода мусиқанинг функциялари қандай ўзгармоқда ва унинг бадиий қиймати сақланиб қолмоқдами деган савол пайдо бўлади.

Кинематография пайдо бўлган дастлабки даврда филмлар овозсиз намоиш этилар, мусиқа эса жонли ижро этиладиган. Ана шу пайтдаёқ у муҳим эмоционал ва интерпретацион вазифани бажарган. Томошабин тасвир кайфияти мусиқа орқали қабул қилган: драматик сахналар фожеавий куйлар билан, комик эпизодлар эса шодона ритмлар билан кучайтирилган.

1920-йилларда товушли кино пайдо бўлиши билан мусиқа кинополотннинг ажралмас қисмига айланди. Композиторлар драматургия мантиғига бўйсунадиган тўлиқ саундтреклар яратиш имкониятига эга бўлдилар. Шу даврдан бошлаб янги бир давр бошланди: кино мусиқаси эса сценарий ва визуал монтажнинг ажралмас қисми бўлиб қолди.

XX асрнинг иккинчи ярмида кино жанрларининг ривожланиши мусиқа услубларининг кенгайиши билан кузатилди классикадан то джаз, рок ва электрон мусиқагача. Замонавий кино эса рақамли мусиқа, шовкин эффектлари ва сунъий интеллектдан фаол фойдаланмоқда. Демак, кино мусиқаси тарихи бу ҳар бир даврга мос янги ифодавий шаклларни излаш тарихи ҳисобланади.

Мусиқа энди кино учун фақат орқа фон эмас, балки томошабин тафаккурига эмоционал, когнитив ва онг остига таъсир этувчи бадиий ифода воситасига айланган. Филм драматургиясини кучайтирадиган мураккаб аудиовизуал образларини яратишда режиссёр ва композиторларга

Унинг турли вазифалари имконини беради. Машҳур композитор Эннио Морриконе таъкидлаганидек, “мусиқа сўз ёки тасвир ифодадай олмайдиган жойда кионинг ифодавий салоҳиятини кенгайтириши керак”. [1]

Кино мусиқасининг асосий вазифаларидан бири томошабин ҳис туйғуларини бошқариш ва маълум кайфиятни уйғотишдир. Ёруғ ва куйқали мусиқа шодлик ёки осойишталикни, диссонанс аккордлар эса хавотирни кучайтиради. Композиторлар модуляция, темп ва тембр ёрдамида эмоционал таъсирни оширади. Мелодия, гармония ва темп шодлик, ғам, кўрқув ёки кескинликни кучайтира олади. М. Чион таъкидлаганидек, «мусиқа тасвирни рангли қилади, унга эмоционал аниқлик бахш этади». [2]

Мусиқа фильм атмосферасини шакллантирибгина қолмай, томошабинга психологик ва руҳий таъсир кўрсатади. У томошабинни фильмнинг ҳаёлий

оламига шўнғитишга ёрдам беради. Муסיқа муайян давр мухитини тиклайди, воқеа жойининг ўзига хосликларини таъкидлайди ёки сахнага миллий колорит бағишлайди. Масалан, этник мотивлар ҳикоянинг географик боғлиқлигини кучайтиради.

Тўғри танланган муסיқа драматик чизиқни илгарилатишга ёрдам беради. У кульминацион лаҳзаларни белгилайди, сахналар орасидаги ўтишларни юмшатади ва ҳикоя ритмини шакллантиради. Баъзан муסיқий мавзу ҳодисаларни олдиндан ҳис қилдириб, интизорлик эффектини яратади. Т. Горманнинг фикрича, муסיқа “сўзсиз ҳикоячи” сифатида хизмат қилиб, воқеаларни олдиндан англатиши ёки таъкидлаши мумкин [3].

Қаҳрамонлар кўпинча шахсий муסיқий мавзулар ёки лейтмотивларга эга бўлади. Бу куйлар томошабинга қаҳрамонни эслаб қолиш ва унинг ички ҳолатини яхшироқ англашга ёрдам беради. Лейтмотив персонаж билан бирга ривожланиб, унинг ўзгаришини ифода этади. К. Каллен таъкидлаганидек, «қайта-қайта ишлатилган мотив қаҳрамоннинг муסיқий визит карточкасига айланади». [4]

Бундан ташқари, муסיқа монтаж ўтишларини енгиллаштиради, ҳодиса жойи ёки вақт даври ўзгарганини белгилайди. У айрим эпизодларни ягона ҳикоявий оқимга боғлайди ёки аксинча, овоз ва тасвир ўртасида санъатий контраст яратиб, бадиий таъсирни кучайтиради.

Аниқ вазифалардан ташқари, муסיқа онг ости даражасида ҳам ишлайди. У хотирани уйғотади, тўғридан-тўғри кўрсатилмаган образларни ёдга солади ёки сахнанинг эмоционал оҳангини кучайтиради. Шу тарзда, томошабин фақат тасвирни эмас, балки яширин маъноларни ҳам ҳис этади.

Кино муסיқаси кўп даражали функцияларга эга — эмоционал ранг беришдан тортиб, сюжетни қўллаб-қувватлаш, маданий контекст ва ассоциатив чуқурлик яратишгача. У фильмнинг таъсирчанлигини кучайтиради, режиссёр услубини белгилайди ва сахналарни ёдда қоларли қилади. Муסיқа ва тасвирнинг мувофиқ уйғунлиги орқали кўп қаватли ва кучли таъсирга эга асар яратиш мумкин бўлади.

Рақамли кино ва глобализация шароитида муסיқа услублари янада эгиламли бўлса-да, муаллифлик ифодаси ва маъновий аниқликнинг аҳамияти сақланиб қолмоқда. Муסיқа функцияларини ўрганиш нафақат композиторлар, балки режиссёрлар, монтажчилар ва кинематограф тадқиқотчилари учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Тинякова Е.А. Эннио Морриконе- барча даврлар кино муסיқаси композитори (итальян композитори Э. Морриконе хотирасига бағишланган

мақола) // Илмий таҳлил. Журнал “Санъатшунослик ва Маданиятшунослик”. Москва, 2020. № 1.

2. Чион М. Аудиовизуал. Москва: Ад Маргинем Пресс, 2014.

3. Gorman T. Music in the Narrative Structure of Film. New York: Routledge, 2019.

4. Kalin C. Leitmotif and Character Identity in Film Music // Film Music Journal. 2018.